

Мардлик – мангулик

“Ирригация ва мелиорация” кафедраси доценти Адҳам Маматалийев раҳбарлигида “Гидромелиорация” факултети 2-курс 202-гуруҳ талабалари “Жасорат” монументал мажмуасига ташриф буюришди. Эслатиб ўтамиз, “Жасорат” монументи Тошкентда 1966 - йилнинг 26 - апрелида юз берган zilзила муносабати билан 1970-йилда очилган. Ҳайкалнинг орқа томонида эса еттита йўлакларда Тошкент шаҳрига zilзиладан кейин қардош республикалар томонидан кўрсатилган ёрдам ўз аксини топган. Бу ёдгорлик бир томондан оғир дамларда халқимизнинг табиий офатга нисбатан мардонавор курашини, жасоратини акс эттирса, иккинчи томондан халқлар дўстлигининг юксак намунаси ифодаси дейиш мумкин. Бу ташриф талабаларда катта таассурот уйғотди. Бу таассуротлар уларнинг мард, жасур ва матонатли бўлиб камол топишларида муҳим рол ўйнайди.



Доцент Адҳам Маматалийев ахбороти

Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов